

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ
ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ
БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**МУТАХАССИСЛИК ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА
ИННОВАЦИЯЛАР**

МОДУЛИ БЎЙИЧА

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тузувчи:

Тошкент – 2015

МУНДАРИЖА

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ.....	3
МАЪРУЗА МАТНИ	11
Олий таълим муассасаси ўқитувчиси шахсига қўйиладиган замонавий талаблар. Инновацион фаолият тузилмаси.....	11
АМАЛИЙ МАШФУЛОТЛАР.....	17
Педагогик жараёнда инновация. Педагогик фаолиятга инновацияларни тадбиқ этишнинг самарали шакллари. Педагогларнинг инновацион фаолияти хусусиятлари.....	17
Педагоглар фаолиятига аксиологик, акмеологик, креатив ва рефлексив ёндошувлар	21
ТЕСТ САВОЛЛАРИ	25

**ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“Тасдиқлайман”

Тармоқ маркази директори

С.С.Гулямов

“_____” 2015 йил

**ЗООТЕХНИЯ (ТУРЛари БўЙИЧА) ФАНИНИ ЎҚИТИШДАГИ ЯНГИ
ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР МОДУЛИНИНГ**

ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Зоотехния (турлари бўйича) ОТМ таълим йўналишлари ва
мутахассисликлари бўйича умумкасбий ва ихтисослик фанларидан дарс
берувчи педагоглар учун

Модулнинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2015 йил 7 январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

ТУЗУВЧИ:

Холмирзаев Д. – “Зоотехния, хайвонлар генетикаси ва урчиши” кафедрасининг профессори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори
Амиров Ш.Қ. – “Зоотехния, хайвонлар генетикаси ва урчиши” кафедрасининг доценти вазифасини бажарувчи, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди

ТАҚРИЗЧИЛАР:

Тошкент давлат Аграр университетининг Зоотехния кафедраси доценти-Б.Хамроулов.

Юсупов С.Ю – Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий тадқиқот институтининг директори,

профессор қишлоқ хўжалик фанлари доктори

Хайдаров К.Х. – “Яйлов чорвачиилиги ва ҳайвонларни озиқлантириш технологияси” кафедрасининг доценти, қ.х.ф.,номзоди

Ўқув дастурлари Тошкент давлат аграр университети Илмий кенгашида тавсия қилинган (2014 йил27-ноябрдаги 7-сонли баённома).

Кириш

Дастур олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илгор педагогик тажрибаларни ўрганишлари ҳамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Олий таълим муассасалари “Зоотехния” (турлари бўйича) таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг мақсади – педагогик фаолиятга назарий ва касбий тайёргарликни таъминлаш ва янгилаш, касбий компетентликни ривожлантириш асосида таълим – тарбия жараёнларини самарали ташкил этиш ва бошқариш бўйича билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилган.

Олий таълим муассасалари “Зоотехния” (турлари бўйича) таълим йўналишлари ва мутахассисликлари умумкасбий ва маҳсус фанлардан дарс берувчи педагоглар малакасини ошириш курсининг вазифаси – педагогик кадрлар тайёргарлигига қўйиладиган талаблар, таълим ва тарбия ҳақидаги хужжатлар, педагогика ва психологиянинг долзарб муаммолари ва замонавий концепциялари, амалий хорижий тил, хорижий таълим тажрибаси, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойихалаш, педагог кадрларнинг малакасини ошириш сифатини баҳолаш ишлари мазмунини ўрганишга йўналтиришдан иборат.

I. Модулинг мақсади ва вазифалари

“Мутахассислик фанларини ўқитишида инновациялар” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини Зоотехния замонавий муаммолари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, фаннинг муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

“Мутахассислик фанларини ўқитишида инновациялар” модулининг вазифалари:

- Мутахассислик фанларини ўқитишида инновациялар фанларини ўқитиш жараёнини технологиялаштириш билан боғлиқликда юзага келаётган муаммоларни аниқлаштириш;

- tinglovchilarning veterinariya fанини ўқитишдаги янги педагогик технологиялардаги таҳлил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;

- фан бўйича педагогик муаммоларни ҳал этиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этишга ўргатиш.

Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар

“Мутахассислик фанларини ўқитишида инновациялар” модулинин ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- Зоотехния йўналиши умуммутахассислик ва мутахассислик фанларининг дидактик асосларини;
- Зоотехния йўналиши умуммутахассислик ва мутахассислик фанларини ўқитиш бўйича инновацияларни;
- Зоотехния соҳасидаги сўнгги ютуқларни;
- Зоотехния йўналиши доирасидаги мутахассислик фанларини ўқитиш бўйича илфор хорижий тажрибаларни;
- Зоотехния йўналиши доирасидаги фанларни ўқитиш бўйича педагогик маҳорат асосларини билиши керак.
- Зоотехния йўналиши фанларидан электрон ўкув материалларини яратади олиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- Зоотехния йўналиши педагогларида касбий билимларни такомиллаштириш жараёнида ўз-ўзини ривожлантиришга бўлган онгли эҳтиёжни шакллантириш;
- таълим жараёнини ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши лозим.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Чорвачиликда селекция ишининг илфор технологиялари”, “Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини илмий асосланган норма асосида боқиши тизимининг асосий элементлари”, “Чорва маҳсулотларини ишлаб чиқиш, сақлаш ва қайта ишлаш технологиясининг илмий асослари” ўкув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қиласи.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар Зоотехния фанларининг дидактик таъминоти муаммоларини аниқлаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолаш, оптималь ва муқобил ечим топишга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

:

№	Модул мавзулари	Хаммаси	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				Мустақил таълим	
			Аудитория ўқув юкламаси		жумладан			
			Жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот		
1.	Олий таълим муассасаси ўқитувчиши шахсига қўйиладиган замонавий талаблар. Инновацион фаолият тузилмаси.	4	4	4				
2.	Педагогик жараёнда инновация. Педагогик фаолиятга инновацияларни тадбик этишнинг самарали шакллари. Педагогларнинг инновацион фаолияти хусусиятлари	2	2		2			
3.	Педагоглар фаолиятига аксиологик, акмеологик, креатив ва рефлексив ёндошувлар	2	2		2			
	Жами:	10	8	4	4		2	

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Маъруза

1-мавзу: Олий таълим муассасаси ўқитувчиши шахсига қўйиладиган замонавий талаблар. Инновацион фаолият тузилмаси. (4 соат)

Режа:

1. Олий таълим муассасасида педагогларнинг ўрни ва аҳамияти.
2. Замонавий профессор – ўқитувчига қўйиладиган талаблар.
3. Педагогларнинг инновацион фаолиятини ташкил этиш..

Қишлоқ Замонавий таълим бериш жараёнида профессор – ўқитувчиларга қўйиладиган талаблар. Олий таълим муассасаларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш ва уларнинг малакасини мунтазам ошириб

бориш. Педагогларнинг фан йұналишлари бўйича инновацион фаолиятини ташкил этиш ва шакллантириб бориш.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу. Педагогик жараёнда инновация. Педагогик фаолиятга инновацияларни тадбиқ этишнинг самарали шакллари. Педагогларнинг инновацион фаолияти хусусиятлари. (2 соат)

Режа:

1. Инновациялардан фойдаланган ҳолда педагогик жараённи ташкил этиш.
2. Педагогик жараёнга инновацияларни тадбиқ этиш усуллари.
3. Педагогларнинг инновацион фаолияти хусусиятлари.

Педагогик фаолиятни ташкил этиш ва шакллантириш жараёнида инновацияларни қўллаш. Педагогик жараёнда қўлланиладиган инновацияларнинг турлари ва усуллари. Инновацион фаолиятни ташкил этишда педагогларга қўйиладиган талаблар.

2-мавзу. Педаголар фаолиятига аксиологик, акмеологик, креатив ва рефлексив ёндошувлар. (2 соат)

Режа:

1. Педаголар фаолиятига аксиологик ва акмеологик ёндошувлар.
2. Педаголар фаолиятига креатив ва рефлексив ёндошувлар.

Фан бўйича дарсларда қатнашиб инновацион технологияларни қўллаш бўйича малакаларини оширадилар. Педагогик жараёнда қўлланиладиган инновацияларнинг турлари ва усуллари.

КЎЧМА МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Бу фан бўйича кўчма машғулотлар назарда тутилмаган.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

1. Сўйишга мўлжалланган қишлоқ хўжалик ҳайвонларини ташишда содир бўладиган стресс ҳолатлар
2. Сўйишга мўлжалланган қишлоқ хўжалик ҳайвонларини ташишда содир бўладиган стресс ҳолатлар, уларнинг сабаблари ва олдини олиш
3. Сўйишга мўлжалланган паррандаларнинг ташишда содир бўладиган стресс ҳолатлар, уларнинг сабаблари ва олдини олиш

4. Касал ҳайвонлардан олинган гўштларни ишлатиш қоидалари.
5. Гўшт ишлаб чиқаришда хомашё сифатида қўлланиладиган қуён, нутрияларнинг сўйим кўрсаткичлари, гўштининг хусусиятлари.
6. Зебунинг сўйим кўрсаткичлари, гўштининг хусусиятлари.
7. Кўтоснинг сўйим кўрсаткичлари, гўштининг хусусиятлари.
8. Буғунинг сўйим кўрсаткичлари, гўштнинг хусусиятлари.
9. Семизлик даражасига қараб турли ҳайвонлар гўштининг кимёвий таркибини ўзгариши.
10. Ориқ ҳайвонларнинг гўштининг морфологияси
11. Гўшт таркибидаги минерал моддалар ва уларнинг ахамияти.
12. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари сақланадиган омборхоналар.
13. Омборхоналарга қўйиладиган санитария-гигиена талаблари
14. Омборхоналарда гўштларни сақлаш жараёни.
15. Омборхоналарда гўшт маҳсулотлари сақлаш жараёни
16. Омборхоналарни совуқлик билан таъминлаш манбалари
17. Сақланган гўштларнинг таркибида бўладиган ўзгаришлар
18. Ўрдаклардан олинган тухумларни ишлатиш қоидалари
19. Фозлардан олинган тухумларни ишлатиш қоидалари.
20. Куркалардан олинган тухумларни ишлатиш қоидалари
21. Сақлаш жараёнида тухумда бўладиган турли ўзгаришлар
22. Асалнинг табиийлигини аниқлаш усуллари

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А.. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
5. Каримов И.А.Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
7. Каримов И.А.Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
8. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончdir. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
9. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
10. Каримов И.А.Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
11. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: «Маънавият”. –Т.: 2008.-176 б.

12. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
13. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, “Ҳалқ сўзи”, 1998 й., 15 май 2- бет.
14. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.:Ўзбекистон, 2000.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.
18. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000 й. 218 б.
19. Азизходжаева Н.Н. «Педагогик технология ва педагогик маҳорат» Чўлпон: 2005й. 213 б.
20. Белкин А.С., Жаворонкова В.Д., Зимина И.С. Конфликтология: Наука о гармонии. – Екатеринбург, 1995. 312 с.
21. Ветеринария журнали.
22. Эргашов Э.Х. ва бош. Чорва молларининг арахноентомозлари.
23. Эргашов Э.Х., Давлатов Р.Б ва бош. Чорва молларининг протозоозлари. Самарқанд. 1998 й.

Сайтлар:

www.vkb.ru. “Близнецы” Ветеринария клиникаси расмий сайти
www.vetdoefor.ru Россия ветеринарлар жамиятининг расмий сайти

МАЪРУЗА МАТНИ

Олий таълим муассасаси үқитувчisi шахсига қўйиладиган замонавий талаблар. Инновацион фаолият тузилмаси.

Режа:

1. Олий таълим муассасасида педагогларнинг ўрни ва аҳамияти.
2. Замонавий профессор – үқитувчига қўйиладиган талаблар.
3. Педагогларнинг инновацион фаолиятини ташкил этиш.

Баркамол авлод йили давлат дастури 11 та йўналиш 102 банддан иборат бўлиб, улар қўйидагилар:

1. Болалар ва ёшларнинг баркамол ривожланиши, уларни ҳак ҳукуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳукуқий-норматив базасини такомиллаштириш

2. Она ва болаларни репродуктив саломатлиги мухофазаси тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва унинг моддий-техник базасини кучайтириш ва ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши учун шарт-шароитлар яратиш

3. Ўсиб келаётган авлоднинг бугунги кунда таълим соҳасида ташкил этилган замонавий моддий-техник базасидан самарали фойдаланишни таъминлаш, олий ва ўрта маҳсус таълими тизимидағи йўналишлар ва мутахассислар бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари, ўқув-методик адабиётларни қайта кўриб чиқиши ва такомиллаштириш

4. Баркамол авлодни шаклантириш учун ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ўқув юртларида ўқув лабораториялари базасини такомиллаштириш, ўқитувчи – муррабийларни меҳнат фаолиятини моддий ва маънавий раҳбатлантиришни самарали тизимини яратиш.

5. Замонавий информацион ва коммуникацион технологиялар, рақамли ва кенгтармоқли телекоммуникация алоқалари ва Интернет тизимини ҳар бир оила хаётига кириб келишини таминлашга кўмаклашиш.

6. Ўсиб келаётган авлодни жисмоний тарбия ва болалар спорти соҳасида, ҳамда ёшларни спорт билан доимий шуғулланишлари борасидаги ишларни кучайтириш, янги спорт комплексларини қуриш ҳамда жиҳозлаш, юқори малакали тренер кадрлар ва мураббийлар билан таъминлаш

7.Касб-хунар колледжлари ва олий таълим муассасалари битиравчиларининг, хусусан, қишлоқ жойларидағи ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш.

8.Ёшларнинг ижодий ва интелектуал салоҳиятини намоён этиш ва иқтидорли ёшларнинг илмий ишларга фаол жалб этиш учун шароитлар яратиш.

9.Ёш оиласарга ғамхўрликни кучайтириш ва уларга ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш ҳамда соғлом ва мустаҳкам оиласи барпо этиш учун шарт-шароитлар яратиш.

10.Ёшларда соғлом турмуш тарзи тамойилларини мустаҳкамлаш, уларни наркомания, маънавиятсизлик, ўзга ёт маданиятлар, таҳдидлар ва ташқи таъсирлардан сақлаш.

11.“Баркамол авлод йили” Давлат дастурининг мазмун ва моҳиятини тушунтиришни тизимли асосда оммавий ахборот ишлари орқали ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни 1997 йил 29 августда кучга кирди ва таълим тизимини жиддий янгиланиши, ислоҳ қилинишига асос бўлди. Олдинги қабул қилинган қонунлардан (1930, 1949, 1958, 1973, 1984, 1992 йиллар) фарқли ўлароқ, ҳалқ таълими тизимини тузилишининг қуидаги **янги тамойиллардан** жорий этилди:

- таълим-тарбиянинг инсонпарварлиги ҳамда ҳалқчиллиги;
- таълим тизимининг узлуксизлиги ва изчиллиги;
- давлат таълим стандартлари доирасида ҳар бир кишига миллати, динидан қатъий назар таълим олиши учун имконият яратилганлиги;
- давлат таълим тизимининг илмийлиги ва дунёвийлиги;
- таълимда умуминсоний ва миллий-маданий қадриятларнинг устиворлиги;
- таянч (тўққиз синф даражасида) таълимнинг мажбурийлиги;
- таълим стандартларини танлашда ягона ва табақалаштирилган ёндашув бўлишига асосланганлиги;
- таълим муассасаларида чет тилларини жиддий ўрганиш, дин тарихи, ҳалқимиз тарихи, маданияти ва жаҳон маданиятини тарихи соҳасида билим олиш учун шароитлар яратилганлиги;
- таълим муассасаларининг турли сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг таъсиридан ҳолилиги;
- амалдаги қонунлар доирасида мулкчиликнинг барча шаклида таълим муассасаларининг teng ҳуқуқлилиги;
- билимдонлик ва истеъдодни рағбатлантириш.

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис қарори билан

тасдиқланган. Унинг асосий мақсади: таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мағкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос қилиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратишдан иборат.

Республикамизнинг истиқлолга эришуви жамият ҳаётининг барча жабҳаларида шу жумладан таълим-тарбия соҳасида ҳам ўз аксини топди. Ўзбек педагогикаси тарихида бурилиш даври, янгиланиш даври бошланди. Ўзбекистон Республикасидаги мустақил ҳуқуқий, демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги улкан ишлар инсон моҳиятини янгидан кашф қилишга, уни интеллектуал-амалий ривожланиши учун янги шарт-шароитлар яратиб берди. Бу ўз навбатида инсоният яратган маънавий-илмий бойликларга, инсоннинг ўзига янгича муносабат, ёндашувни юзага келтирди.

Янги мазмунли дарслклар, услубий қўлланмалар яратишда миллий-маданий, тарихий адабиётлардан, материаллардан кенг фойдаланила бошланди.

Кейинги йилларда турли билим соҳаларида янги ахборот технологияларини яратиш ва ишлатиш масалалари кенг ёритилмоқда. Ахборотлаштириш муаммоларига бундай ёндашув тасодифий эмас. Кўплаб мамлакатларда ўтказилаётган тадқиқотларнинг кўрсатишича, бутун ижтимоий ишлаб чиқариш ахборотни ишлаб чиқаришга кўп даражада боғлиқ бўлиб, бунда энг муҳим сармоя одам билимидир.

Масофавий ўқитиши янги ва анча прогрессив бўлган ўқитиши шаклидир. Бу усулни турли ҳил муассасаларига тадбиқи, хусусан иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий соҳаларга тадбиғи талаба ва ўқитувчиларнинг илғор дунё илмий мактабларининг юқори сифатли ўқув услубий ишланмалари, замонавий ва сўнги ахборотлардан қаерда бўлишидан қатъий назар тўғридан-тўғри фойдаланиш имкониятларини беради. Буларнинг барчасини эътиборга олган ҳолда олий ва ўрта таълим вазирлиги устоз фонди қиёфасида жаҳон институти билан олий таълимда масофавий ўқитиши усули компонентларини тадбиқ қилиш хақида келишув тузилди.

Бундай лойиҳа нафақат, Ўзбекистон учун балки Ўрта Осиёning барча худудлари ва Қозогистон учун ҳам МДҲ давлатлари учун масофавий ўқитиши соҳасида жаҳон банки институтининг илғор лойиҳаларидандир.

Жаҳон банки лойиҳаси масофавий ўқитиши тизимини ривожлантириш учун бошланғич майдон бўладиган масофавий ўқитиши тармоқлари инфратузилмасини база элементларини яратиш масофавий

ўқитиши усулларини қўллаш соҳасини кенгайтириш ва масофавий ўқитиши амалга оширувчи замоанвий технологияларни ривожлантириши кўзда тутади.

Масофавий ўқитиши талабига ижобий таъсир этади, ўз ўзини ташкил этиш, билим олишга интилиш, компьютер техникаси билан ўзаро ишлаш ва мустақил маъсулиятли ҳал қилишларни қабул қилиш, уни ижодий ва тафаккур салоҳиятини ўстиради.

Масофавий ўқитиши сифати кундузги таълим олиш тартибидан сифат жиҳатидан қолишмайди, балки буюк профессор -ўқитувчилар таркибини келтириши ҳисобига ва ўкув жараёнида энг яхши ўқув-услубий нашрлар ва текшириш тестлари у ёки бу фанлардан фойдаланиш мумкинлиги учун яхшиланди.

Бугунги кунда масофавий ўқитиши қўйидаги ижтимоий аҳамиятли масалаларни ечишга таъсир этиш лозим.

- таълим хизматларида аҳолининг эҳтиёжини амалга ошириш;
- сифатли тайёрланган мутахассислар билан давлат эҳиёжларини қондириш;
- аҳолини ижтимоий ва профессионал харакатчанлигини ошириш;
- тадбиркорлик ва ижтимоий фаоллигини, ўзлигини билишни, атроф тўғрисидаги билимларни кенгайтириш;
- давлатимизнинг олий мактабларида йиғилган билимларни, кадрлар ва моддий салоҳиятни сақлаш ва кўпайтириш;

Масофавий ўқитишининг ташкилий асослари. Масофавий ўқитиши технологиясидан фойдаланувчи ўкув ташкилотлари фаолиятини таҳлил қилиш, умумий ташкиллаштиришнинг ўзига хослигини очиб берди:

- * узлуксиз таълим;
- * ўкув жараёнининг олиб борилишига индивидуал ёндашиш;
- * географик жойлашиши узок бўлган ўкув муассасаларини етакчи олий ўкув юртлари базаси марказида масофавий ўқитиши марказлаштириш;
- * тингловчилар йўналишига кўра ўқитувчи консультантларнинг мавжудлиги.

Масофавий ўқитишининг қўлайлиги. Келгусида мақсадга мувофиқ равиша лаборатория амалиётларини ўтказишни қисқартириш мумкин.

Масофавий ўқитиши назорати. Бу ўрганилаётган ўкув материалларини назарий ўзлаштириш натижаларини текширишдан иборат. Тест, ҳақиқатдан, фан бўйича жуда кўп саволлардан ташкил топган, ҳар бир савол учун бир нечта жавоб варианtlари таклиф этилади. Талаба улар орасида тўғри жавобни танлаши керак. Тестлар ўз-ўзини текширишга яхши мўлжалланган ва индивидуал машғулотлар учун жуда қўлай.

Масофавий үқитиши қатнашчилари (тингловчилар ва үқитувчилар) етарли даражада тайёр бўлишлари, яъни масофавий үқитиши ўрганиш усулларидан, воситаларидан ва ташкилий шаклларидан фойдалана билишлари керак. Шунинг учун фундаментал информатика табиий-илмий фан сифатида масофавий үқитишининг ажралмас қисми бўлиши шарт.

Масофавий үқитишининг қуидаги афзалликлари мавжуддир:

а) *Ўқитишининг ижодий муҳити.* Мавжуд кўпгина услублар асосида үқитувчи илм толибини үқитади, ўқувчи эса фақат берилган материални ўқииди. Таклиф қилинаётган Таклиф қилинаётган масофавий үқитиши методи асосида эса ўқувчиларнинг ўзлари компьютер асосида ахборотлар банкидан керак бўлган маълумотларни қидириб топади ва албатта ўзларининг тажрибаларини бошқалар билан яхши мулоқатда бўлишини таъминлайди ва ўз ўрнида меҳнат таълим олишини рағбатлантиради.

б) *Мустақил таълим олишининг имконияти борлиги.* Масофавий үқитиши асосида таълим бериш-бошланғич, ўрта, университет сиртқи-кечки ва малака ошириш босқичларини ўз ичига олади. Тайёргарлиги ҳар хил даражадаги инспекторлар ўзларининг шахсий дарс жадваллари асосида ишлашлари мумкин ва ўзининг даражасидаги талабалар билан мулоқатда бўлиши мумкин.

Умуман олганда, масофавий үқитиши тизими ўқувчи ва талабаларда таълим тизимидағи бўлаётган дунёвий ўзгаришлар, техник воситалардан фойдаланиш йўллари, унинг қанчалик афзаллик томонларини ва шу билан бирга камчиликларини ҳақида маълумот беради.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
5. И.А.Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
7. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
8. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
9. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
10. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
11. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
12. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, “Ҳалқ сўзи”, 1998 й., 15 май 2- бет.
13. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.:Ўзбекистон, 2000.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16- февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

Педагогик жараёнда инновация. Педагогик фаолиятга инновацияларни тадбиқ этишнинг самарали шакллари. Педагогларнинг инновацион фаолияти хусусиятлари

Режа:

1. Инновациялардан фойдаланган ҳолда педагогик жараённи ташкил этиш.
2. Педагогик жараёнга инновацияларни тадбиқ этиш усуллари.
3. Педагогларнинг инновацион фаолияти хусусиятлари.

Хозирги вактда Ўзбекистонда жаҳон таълим майдонига киришга йўналтирилган янги таълим тизими қарор топди. Бу жараён билан бир вактда педагогик ўкув-тарбия жараёнигининг назарияси ва амалиётида сезиларли ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Педагогик технология-бу таълим шаклларини оптимизациясини ўзига мақсад қилиб олган инсон ва техник ресурслари ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш жараёнини ташкил этиш, қўллаш ва аниқлашнинг ҳамда билимларни ўзлаштиришнинг услубларидир. (ЮНЕСКО)

Педагогик технология пайдо бўлгунча қадар таълим тизими доирасида таълим жараёнини етарли самарали лойиҳалаш қоидаси ишлаб чиқилмади. Педагогик технологиянин ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда ўқув мақсадларига кафолати эришишда ўқув жараёни лойиҳалаштирилади ва амалга оширилади. Технологик ёндашув, энг аввало, юзаликда эмас, балки режалаштирилган натижаси олиш имконини берувчи конструктив, кўрсатмали схемада ўз ифодасини топади.

Мақсадга йўналтирилганлик, жараён натижаларини ташҳисли текшириш, таълимни алоҳида ўргатувчи қисмларга бўлиб ташлаш ўқув жараёнигининг қирраларини бугунги кунда таълимни қайта ишлаб чиқиши цикли ғоясига бирлаштириш имконини беради. У асосан ўз ичига қуйидагиларни олади.

- * таълимда умумий мақсаднинг қўйилиши;
- * тузилган умумий мақсаддан аниқ мақсадга ўтиш;
- * педагогларнинг билим даражаларини дастлабки баҳолаш;
- * бажариладиган ўқув ишларни мажмуаси;
- * натижани баҳолаш.

Замонавий таълимни ташкил этишга куйиладиган мухим талаблардан бири ортикча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, киска

вакт ичиде юксак натижаларга эришишдир. Қиска вакт орасида муайян назарий билимларни Ўқувчиларга етказиб бериш, улар да маълум фаолият юзасидан куникма ва малакаларни хосил килиш, шунингдек, Ўқувчилар фаолиятини назорат килиш, улар томонидан эгалланган билим, куникма хамда малакалар даражасини баҳолаш Ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат хамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндошувни талаб этади.

Бугунги кунда бир катор ривожланган мамлакатларда бу борада катта тажриба тупланган булиб, ушбу тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда.

Маълумки, ҳар қандай педагогик жараённинг асосий мақсади - таълим оловчида билим, малака ва кўникмалар ҳосил қилишдир. Бу нарса маълумотлар алмашинуви орқали рўй беради. Педагогик мулоқот жараёнидаги маълумотлар алмашинуви асосан уч шаклда амалга оширилади:

- 1. Монолог;**
- 2. Диалог;**
- 3. Полилог.**

«Педагогик технология» тушунчасининг вужудга келиши, таълимнинг илк ташкилий ва методик шаклларининг вужудга келиши билан боғлиқ. Яъни, дастлаб китобни яратилиши ПТ ни ривожланишига сабаб бўлган.

Индивидуал таълим ўқув-тарбия жараённинг энг қадимий ташкилий шакли бўлиб, у аввал антик Грецияда пайдо бўлган экан. Ўқитувчи бир ўқувчи билан ишлаб, таълимни бевосита ташкил этган, бошқарган, назорат этган. Ўқитувчи матнларни ўқиб берган ёки болаларнинг ўзларига ўқитиб сўзлашган.

Кейинчалик индивидуал таълим ўрнини гуруҳлар асосида ўқитиши эгаллаган. Ўрта асрларга келиб қоидаларни ёдлаш, бир хил типдаги машқларни бажариш, оғзаки савол-жавоб, юқори погоналарда эса маъруза, мунозара таълимнинг етакчи усулларига айлана бошлаган. Бу ҳолат аста-секин синф-дарс системасини келтириб чиқариб янги технологияни келиб чиқишга замин ҳозирлаган.

30-йилларгача мактабларда бригада-лаборатория методида дарслар берилди. Шу йилларда мактаб дастурларида назарий билимларга эътибор кучая бошлади. Шу билан бирга, кўргазмалик, амалиётга суюниш, илгор тажрибалар ёки усуллар ўрганилиб шулар асосида таълимни ташкил этишга эътибор қаратилди.

Асримизнинг 40-50 йилларида ўқув жараёнига техник воситаларнинг (радио, кино, назорат воситалари) жорий этилиши

педагогик технологияларга тенглаштирилди.

1960 йиллардан кейин мактабларимизга ўқув жиҳозлари, ўқитишининг техник воситалари кириб кела бошлади.

Кейинчалик компьютер, интернет, масофавий таълим ҳам ПТ ни ривожланишига сабаб бўлди.

Таълим амалиётида фойдаланилаётган интерфаол методлардан бир нечтасининг моҳияти ва улардан фойдаланиш:

Фикрлар хужуми (ақлий хужум)

Бу усулни мақсади: катта микдордаги ғояларни йиғиш, талабаларни айни бир хил фикрлаш инерциясидан ҳоли қилиш, ижодий вазифаларни ечиш жараёнида дастлаб пайдо бўлган фикрларни енгишdir. Бу усул А.Ф. Осборн томонидан тавсия этилган, Низомий номидаги ТДПУда инновацион технологиялар маркази ҳам тавсия қилган усуллардан. Бу усулнинг асосий тамойили ва қоидаси баҳс иштирокчилари ишлаб чиқсан ғоялар танқидини мутлоқ тақиқлаш, ҳар қандай луқма ва ҳазил мурошибани рағбатлантиришdir. Бу усулдан фойдаланишининг муваффакияти қўп жиҳатдан педагог машғулот раҳбарига боғлиқ.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда таълимда замонавий дидактика ва таълим таркибларининг самарадорлигини ошириш имкониятлари, янги ғоя ва технологияларнинг илмий ишлаб чиқилиши ва амалий асосланиши қўлланилмоқда. Замонавий технологик мутахассис бўлиш учун таълим технологияларининг барчасини, шу жумладан педагогик компонентларини чуқур ўрганиб, таҳлил қилиш лозим.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

17. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
18. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
19. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
20. И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
21. И.А.Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
22. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
23. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
24. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
25. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
26. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
27. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
28. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, “Ҳалқ сўзи”, 1998 й., 15 май 2- бет.
29. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.:Ўзбекистон, 2000.
30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16- февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.
32. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.

Педагоглар фаолиятига аксиологик, акмеологик, креатив ва рефлексив ёндошувлар

Режа:

- 1.Педагогик фаолиятни шакллантирувчи омиллар ва уларнинг турлари.
- 2.Педагоглар фаолиятига аксиологик ва акмеологик ёндошувлар.
- 3.Педагоглар фаолиятига креатив ва рефлексив ёндошувлар.

1.Педагогик фаолиятни шакллантирувчи омиллар ва уларнинг турлари.

Педагогика фанининг предмети, ўқитишининг, таълим-тарбиянинг замонавий қонуниятлари, мазмуни, усуллари, воситалари билан кишиларни, ёшларни, мутахассисларни қуроллантирувчи фан бўлганлиги учун ҳам унинг методологик асослари мақсад ва вазифалари дунёнинг моддий-маънавий ривожида шахс камолоти уйғунлиги қонуниятлари ва давлатнинг замонавий сиёсатидан келиб чиқади.

«Педагогика» атамаси қадими Юнонистондан келиб чиқкан. Бу ерда қулдорлар фарзандларини укув муассасасига кузатиб қўядиган, олиб борадиган одамларни «педагог» деб аташган. Кейинчалик бу атаманинг маъноси бирмунча ўзгарди. Махсус тайёргарлик кўрган ва тарбия билан шуғулланган шахслар «педагог» деб атала бошлаган. Кўп вақтлар педагогика илмий фан сифатида фақат ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбиясини ўрганади, деб қаралган. Аммо ҳаёт амалиёти тарбиясига эмас, балки катталар тарбиясига ҳам тааллукли эканлигини кўрсатди. Шунинг учун ҳам кейинги пайтларда педагогикани ёш авлодни ва катта ёшдаги одамларни тарбиялаш ва ўқитиш, уларга маълумот бериш қонуниятларини ўрганувчи фан, деб белгилаш одатга айланди.

2.Педагоглар фаолиятига аксиологик ва акмеологик ёндошувлар.

Хозирги кунда педагогикани асосий тармоклари сифатида куйидагиларни келтириб утамиз.

Ёш даврлари педагогикаси мазкур гуруҳлар билан олиб бориладиган тарбиявий-ташкилий ишларнинг қонунийлигини тадқиқ этади ҳамда энг аввало уларни тарбияланувчиларнинг укув муассасалари шарт-шароитларида амалга ошириш дастурини ишлаб чиқади.

Катта ёшдагилар педагогикасида олий ўкув юрти шарт-шароитларида ёшларни тарбиялашнинг назарий масалалари ва

методикасини ишлаб чиқадиган педагогика тармоғи сифатида олий укув юрти педагогикасининг шакланаётганлиги, унинг аниқлашиб бораётганлиги кўзга ташланади.

Миллий армиямиз учун мутахассислар тайёрлайдиган ҳарбий ўқув юртларида ёшларга таълим бериш ҳамда тарбиялаш муаммолари билан **ҳарбий педагогика** соҳаси шуғулланади.

Булардан ташқари **оила педагогикаси** бугунги қундаги долзарб вазифалардан бирини ташкил этиб, оиласарда, оила марказларида, маҳаллаларда, жамоат ташкилотларида, оила-никоҳ муассасаларида амалга оширилаётган тадбирларда намоён бўлади.

Педагиканинг аниқ масалаларини ишлаб чиқишида фалсафанинг социология, этика, эстетика каби тармоқлари катта аҳамиятга эгадир.

Этика фалсафанинг ахлоқий ва тарбия масалалари билан бевосита боғлиқдир. Уларни хал этишида педагогика ахлоқнинг умуминсоний қадриятларига суюнади.

Эстетика (нафосат тарбияси) инсоннинг эстетик идеалларини шакллантириш, маданиятга ва воқеликка эстетик муносабатлари умумий қонуниятларини ўрганади ва эстетик тарбияни илмий жиҳатдан асослаш учун хизмат қиласди. Бу асосларни педагогика фани ишлаб чиқади, ёшларни гўзалликни хис қила олиш, тушунишга ўрганиш воситалари ва йўллари белгилаб беради.

3. Педаголар фаолиятига креатив ва рефлексив ёндошувлар.

Педагиканинг фалсафа ва бошқа ижтимоий фанлар билан боғлиқлигини, ҳал этадиган илмий масалаларнинг умумийлигини педагогиканинг ижтимоий хусусияти, унинг мафкуравий йўналишга эга эканлигини таъкидлаб туради. Тарбиянинг ҳамма муаммоларини бошқа сиёсий, ижтимоий масалалар билан бир қаторда ҳал этиш заруриятини кўрсатиб беради.

Педагиканинг асосий категорияларига тарбия, таълим, маълумот киради. Лекин, хозирги педагогикани тараққӣ этиб боришида, асосий педагогик категориялар қаторига ривожланиш ва шаклланишни хам киритса бўлади.

Тарбия-Ўсиб келаётган авлодда ҳосил қилинган билимлар асосида ақлий камолот – дунёқарашни, инсоний эътиқод, бурч ва маъсулиятни, жамиятилиз кишиларига хос бўлган ахлоқий фазилатларни яратишдаги мақсадни ифодалайди. Тарбия бола туғилгандан бошлаб умрининг охиригача оиласда, мактабда ва жамоатчилик таъсирида шаклланиб борадиган жараёндир.

Таълим – махсус тайёрланган кишилар раҳбарлигидан

ўтказиладиган, үқувчиларни билим, күникма ва малакалар билан қороллантирадиган, билим, қобиляйтларини ўстирадиган, уларнинг дунёқарашини таркиб топтирадиган жараёндир. Таълим жараёни ўқитувчи билан үқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти бўлиб, икки тамонлама характерга эгадир. Ўқитувчининг фаолияти туфайли таълим пухта ўйлаб чиқилган мақсад, мазмун ва дастурлар асосида олиб бориладиган жараёнга айланиб, кутилган натижани беради. Таълим жараёнини мазмунини билим, күникма ва малака ташкил қиласи.

Билим – бу үқувчилар ўқиши орқали билим билан қоролланадилар. Билимни хаётда қўп унум берадиган қилиб қўллай олиш учун билим билан бирга кўникма ва малака ҳосил қилиш лозим.

Кўникма – машқ қилиш натижасида бериладиган харакатлар ийғиндисидир. Иқтидор ва кўникма машқ қилиш ва такрорлаш орқали **малакага** айланади. Билим асосида кўникма ва малака пайдо бўлади. Билим бахсда керак бўлса, кўникма меҳнатда, дунёни ўзлаштиришда зарур.

Маълумот – таълим –тарбия натижасида олинган ва тизимлаштирилган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакалар ҳамда шаклланган дунёқарашлар мажмуидир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш–давр талаби, 5-жилд.– Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. И.А.Каримов. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз, 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
5. И.А.Каримов. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
7. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
8. И.А.Каримов. Миллий истиқлол мафкура – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
9. И.А.Каримов. Истиқлол ва маънавият. – Т.: Ўзбекистон, 1994.
10. И.А.Каримов. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ, 1998.
11. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т.: “Ўзбекистон”. –Т.: 2011.-440 б.
12. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни, “Ҳалқ сўзи”, 1998 й., 15 май 2- бет.
13. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.- Т.:Ўзбекистон, 2000.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чоратадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. Модулли үқитиши нима?

- A. Иқтидорли талабаларни үқитиши
- B. Тингловчиларни кузата олиш, улар билан индивидуал шуғулланиш, уларда фикрлаш қобилиятини ошириш
- C. Машғулотни монолог әмас, диалог күринишида үтказиши
- D. Муайян таълим йұналиши блоки бўйича үқитиши

2. Таълимда дидактиканинг аҳамияти нималардан иборат?

- A. Машғулотни осон бошқариш мумкин
- B. Тингловчиларни кузата олиш, улар билан индивидуал шуғулланиш, уларда фикрлаш қобилиятини ошириш мумкин
- C. Машғулотни монолог әмас, диалог күринишида үтказиши имконини беради
- D. Барча жавоблар тўғри.

3. Инновация нима

- A. Янгилик, янгилик киритиши, татбиқ этиши
- B. Технология, жараён
- C. Машғулотни монолог әмас, диалог күринишида үтказиши
- D. Тўғри жавоб йўқ

4. “Тишли ғилдирак” принципининг энг муҳим бўғини, бу

- A. Биргаликда ишлаш
- B. Технология
- C. Мустақил таълим
- D. Маъруза

5. Дидактик таъминот фақатгина Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фани учун аҳамиятлими?

- A. Дидактик таъминот фақатгина Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фани учун аҳамиятли
- B. Барча фанлар учун аҳамиятли
- C. Бошқа фанлар учун аҳамиятсиз
- D. Тўғри жавоб йўқ

6. Инновация қайси машғулот тури учун зарур?

- A. Маъруза учун
- B. Амалий машғулотлар учун
- C. Лаборатория машғулотлари учун
- D. Барча жавоблар тўғри.

7. Дидактик таъминот таълим самарадорлигини қандай оширади?

- A. Тингловчи ўзлаштирилаётган материални эшигади
- B. Дидактик материал воситасида кўз билан кўради
- C. Амалий-лаборатория машғулотларида улар билан амалий иш бажаради
- D. Барча жавоблар тўғри.

8. Тингловчининг эслаб қолиш қобилияти қандай машғулотда ортади?

- A. Маърузада
- B. Мустақил таълимда”
- C. Кўп китоб ўқиганда
- D. Инновацияга асосланган машғулотларда

9. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси фани учун қайси дидактик материал аҳамиятли

- A. Faқат слайдлар
- B. Ҳар қандай
- C. Faқат видеороликлар
- D. Реал материаллар

10. Дарсда кўргазмали воситанинг қайси биридан фойдаланиш афзал?

- A. Мавзуни чуқур ёритувчи, содда ва ёзиб олишга қулай материал
- B. Жадвал
- C. Диаграмма
- D. Фотолавҳа

11. Мустақил таълим, бу

- A. Ҳар бир тингловчининг топшириқдан сўнг үқитиши воситалари билан ўзаро муносабатда бўлиши
- B. Аъруза мавзуларини ўзлаштириш
- C. Лаборатория машғулотларини мустақил бажариш
- D. Тўғри жавоб йўқ

12. Инновациясиз ҳам дарсни самарали ўтиш мумкинми?

- A. Камдан кам ҳолларда, назарий мавзуларни ёритишида
- B. Мумкин эмас
- C. Мумкин
- D. Дарс самарадорлиги инновацияга боғлиқ эмас

13. Машғулотнинг ўзлаштирилиши нималарга боғлиқ?

- A. Ўқитувчининг педагогик маҳоратига
- B. Инновацияга
- C. Тингловчининг қобилиятига
- D. Барча жавоблар тўғри.

14. Машғулот қачон самарасиз яқунланади?

- A. Инновациясиз ўтилганда
- B. Ўқитувчининг маҳорати паст бўлганда
- C. Гуруҳ катта ва индивидуал ишлаш имкони бўлмаганда
- D. Барча жавоблар тўғри.

15. Дидактик таъминот нима?

- A. Машғулотда тарқатма материал тарқатилиши
- B. Слайд намойиш этилиши
- C. Экспонатлар, макетлар, видеолавхалар намойиши
- D. Барча жавоблар тўғри.

16. Инновацион таълимнинг муҳим бўғинлари

- A. Педтехнология, машғулотлар узвийлиги, амалий ва мустақил ишлаш
- B. Маъруза, амалиёт
- C. Педагогик органайзерлардан фойдаланиш
- D. Тўғри жавоб йўқ

17.Муаммоли вазият, бу

- A. Тингловчининг саволга жавоб топа олмаслиги
- B. Тингловчиларнинг ўзаро бахси
- C. Тингловчиларда турли қарашларни юзага келтирвчи саволнинг ўртага ташланиши
- D. Тўғри жавоб йўқ

18.Инновациядан қайси машғулот турида кўпроқ фойдаланиш зарур деб ўйлайсиз?

- A. Маърузада
- B. Амалий машғулотларда
- C. Лаборатория машғулотларида
- D. Барча жавоблар тўғри.

19.Дидактик материаллар дарс жараёнига қандай таъсир қўрсатади?

- A. Таъсир этмайди
- B. Тингловчиларни чалғитади
- C. Иқтидорли талабаларни танлаш имконини беради
- D. Дарс машғулотининг ўзлаштирилиш самарадорлигини оширади

20.Ўқитувчининг педагогик маҳорати юқори бўлганда замонавий педагогик технологияларга эҳтиёж сезиладими?

- A. Технология шарт эмас
- B. Педагогик маҳорат ва педагогик технологиялар дарс самарадорлигини оширувчи бир-бири билан узвий боғлиқ омиллардир
- C. Педагогик маҳорати юқори бўлганда технологиясиз ҳам дарсни самарали ўтиш мумкин
- D. Тўғри жавоб йўқ